



ҲАМ КЎП, ҲАМ АРЗОН

Калинин бошқармасидаги Карл Маркс номи колхоз аъзолари бу йил 323 гектар ернинг ҳар гектаридан 12 ўрнига 17 тоннадан картошка етиштиришга аҳд қилдилар. Улар уруғликни ўзлари тайёрлаб, саралаб эсмоқдалар. Ҳар гектар ерга ажратилган 10-12 тонна гўнгнинг кўп қисми биринчи куль-

тивациядан олдин бир йўла солинмоқда. Кишиларга ғамхўрлик қилиш, меҳнат интизоми — мустақамлаш — мўл ҳосил гарови.

(Мақолада ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади).



Суратда: бригадир ўртоқ Д. Хайдаров «Сидов» нави /эртапишар картошканинг янги ҳосилини кўзга келтирмоқда.

САБЗАВОТЧИЛИК ШУҲРАТИ

Биз газеталарда пахта усталарининг, илғор чорвадорларнинг, моҳир пиллачиларнинг, ажойиб соҳибдорларнинг ибратли сўзларини, иш тажрибаларини тез-тез қизқиб ўқиб тураемиз. Қишлоқ хўжалигининг бу соҳаларида ишловчиларнинг шарафли ишлари бизни жуда қизиқтиради. Биз ҳам улар билан чин қўнгилдан фахрланамиз.

Худди шулар сингари ҳамманинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун курашаётган, эл дастурхонини бой бўлсин, деб астойдил меҳнат қилаётган сабзавотчилар, шу жумладан картошкадан мўл ҳосил етиштириш йўлида илғор тажрибаларни қўллаётган кишилар ҳам бор. Аммо улар ҳақида кам гапирилди. Уларнинг иш услублари кенг тарғиб қилинганини яхши билмаймиз. Бу соҳада тер тўкаётган кишиларнинг иши фақат кузда — ҳаммага картошка-сабзавот ғамлаш зарур бўлгандагина эсга келади. Бу, албатта, яхши эмас. Ахир картошка ўз-ўзидан етишмайди-ку. Шунинг учун биз бугун картошка етиштириш, ундан юқори ҳосил олишдаги ўз иш тажрибаларини ўртоқлашмоқчимиз. Бу соҳада ишлаётган кишиларнинг, сабзавотчиларнинг шарафини кўтариш учун бўлган курашга чакирмоқчимиз.

Сабзавотчилик ҳам шарафли касб. Биз етиштирган маҳсулот ҳар кун халқ дастурхонига тўкилади. Демак биз ҳар кун халқ билан биргамиз. Хўш, биз деҳқонлар шу халқимизнинг сабзавот, жумладан картошкага бўлган талаб ва эҳтиёжларини нега тўла қондира олмаймиз, нега баҳор пайтида картошка камчил бўлади, нега эртаги картошка барвақт чиқмайди, нима учун картошканинг нархи ошди? Қозонда бўлса чўмичга чиқади деган гап бор. Агар ҳамма сабзавотчилик хўжаликлари картошкадан мўл-кўл ҳосил етиштирсалар, эртапишар картошка экинни қўпайтурсалар, бундай саволларга сира ўрин қолмайди. Хўш, биз бу соҳада нималар қиляпмиз:

ЮҚОРИ ҲОСИЛ

Ўтган йили колхозимизнинг биз бошлиқ бўлган бригада ва звеноларида ҳар гектар ердан олинган картошка ҳосили 18, 19, 21 ва 26 тоннагача етди. Биз фақат ўтган йилгигина эмас, ҳар йили ҳам шундай юқори ҳосил етиштиряпмиз. Шунинг учун биз баъзи хўжаликлар гектаридан 7-8 тонна картошка ҳосили олганликларини эшитиб, жуда ҳайрон бўламиз, улар ерни исроф қилишадигандир, деган хулосага келамиз. Ҳа, ернинг қадрига етмаганларгина шундай қилиши мумкин. Ернинг қадрига етиш эса гап билан бўлмайди. Ерни тўйдирсанг, ер сени тўйдирди дейдилар. Бу ҳикматли гап бежиз эмас. Пахтадан юқори ҳосил оламан, деган деҳқон ишни кузги шудгордан бошлайди. Картошкадан юқори ҳосил олишни ният қилган сабзавотчилар ҳам ишни кузги шудгордан бошлаши керак. Чунки ҳосилни ер беради. Шунинг учун биз ҳам ерни худди пахтакорлар сингари кузда ҳар гектар ерга 400 килограммдан суперфосфат ва маҳаллий ўғит солиб 30 сантиметр чуқурликда сифатли шудгор қилиб қўямиз.

Маълумки, кечки картошка май ойида экилабошлайди. Бу даврга кузда шудгор қилиб қўйилган ер анча зичлашиб қолади. Шунинг учун бундай ерлар картошка экилишидан олдин икки марта ҳайдалади. Тупроқлари упдай майдаланиб кетган ерлардан юрсангиз тўпнингизгача ботиб кетасиз. Шунинг эътиборига элиб бу ерни картошка экишга тўла тайёр, деб бўлмайди. Чунки картошкадан юқори ҳосил олишда ҳамма ерга бир текис сув бериш жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун екишдан олдин ерлар эътибор билан текисланади. Яхши текисланган ерларга сув юришининг тўғри нишони олиниб, эгат тортилмас, сув ҳамма ерга бир хилда оқиб бормайди. Шу сабабдан биз эгат тортишни жуда синиқлаб ўтказамиз. Шундан кейингина уруғлик экишга киришамиз.

Картошкадан юқори ҳосил олишнинг энг биринчи омили сараланган уруғ ҳозирлашдир. Биз сира четдан уруғ сотиб олиб картошка экамаймиз. Кўп йиллардан бери ўзимиз экиб етиштирган, ер шаронтимига жуда мос келадиган «валътизм» ёки «қайчибарт» деб аталган картошкадан экаемиз. Уруғлик картошкани яхши асраш ҳам катта аҳамиятга эга. Уни вақти-вақти билан ағдариб, шамоллатиб туриш лозим. Фақат сараланган уруғдангина ўсимликлар бехато ўсиб чиқади, юқори ҳосил олинади. Ҳа, яхши уруғ юқори ҳосил олишнинг дастлабки шарти ҳисобланади.

Картошка экинни биз қўйидаги тартибда ўтказамиз. Энг аввал тракторлар билан эгат олинади, сўнгра ҳар гектар

ерга 3 тоннадан компос, 300 килограммдан фосфор ва 150 килограммдан селитра солинади. Сўнгра шу ўғит солинган ариқчаларга 70х30 схемаси билан биттадан картошка қўйиб кетилади ва от ариқчили билан кўмилади.

Эртаги картошка экилган вақтда ер сернам бўлгани учун дарҳол суғорилмас, ҳам бўлаверади. Лекин кечки картошка экилгандан сўнг ўсимлик ернинг намига ўсиб чиқади, деб қўғиб ўтирмай, сув қўйилаверади.

Картошка 80 процент ўсиб чиққан вақтда ҳар гектар ерга 10 тоннадан гўнг солиниб, культивация бошланади. Шундай қилиб биз картошка учун йил бўйи ажратилган 10-12 тонна гўнгнинг кўп қисmini биринчи культивациядан олдин бирийўла соламиз. Шу тўғрисида озуқага яхши тўғри ўсимлик тез ривожланиши ва серҳосил бўлади.

Албатта ўсимликни озуқага тўйдирининг ўзи кифо қилмайди. Умуман картошка тўрт марта культивация ва икки марта сифатли чопиқ қилинади. Ўсимликнинг илдизи ҳам ҳаводан яхши фойдаланиши учун шароит яратилади.

Ез ойларида пахтакорлар ҳосилнинг тақдирини сувчининг қўлида, дейдилар. Картошқачилик ҳам, чопиқ ва культивация тамом бўлгандан кейин ҳосилнинг тақдирини сувчилар қўлига ўтади. Бу пайтда ҳамма нарсасувиқларга боғлиқ бўлиб қолади. Чунки эртаги картошка 8 мартагача, кечки картошка ер шаронтига ва ўсимликнинг талабига қараб 10-15 мартагача суғорилади. Агар сувчи бир ерни қўллаб, иккинчи жойни қондирмай сув қўйса, мўлжалдаги ҳосилни олиб бўлмайди. Бунинг учун бизда сувчилар ишига катта эътибор берилади. Уларнинг меҳнатига кўпроқ ҳақ тўланади. Асал, иссиқ оғдат билан таъминланиб турилади. Сувчилар ишига биз худди механизаторлар иши сингари эътибор билан қараймиз. Айниқса картошка ҳосилга кирган вақтда пуштасигача захлатиб суғориш жуда фойдали. Бизнинг моҳир сувчиларимиз ўз вазифаларини виждонан бажаришади.

КИШИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Биз ҳозир кўпроқ картошкадан юқори ҳосил олишда ўзимиз амалга ошираётган баъзи агротехника тадбирлари тўғрисида гапирдик. Лекин одам бўлмаса бу ишларни амалга ошириб бўладими? Тўғри, экинлардан юқори ҳосил олиш учун ҳамма зарур тадбирлар қўрилади, экин учун қўлай шароит яратилади. Бироқ айрим хўжаликларда шу ишларни пешма-пеш ва ўз муддатига амалга оширадиган кишиларга ғамхўрлик қилиш етишмайди. Бундай ҳол, айниқса, сабзавотчилик хўжаликларида умумий ишга салбий таъсир қилиши мумкин.

Меҳнат тўғри ташкил этилмаса, колхозчиларнинг шахсий манфаати билан колхознинг умумий манфаати тўғри ҳисобга олинмаса, дуруст натижага эришиб бўлмайди.

Картошка тайёр таом. Аммо ҳозир бизда ҳосил пишган вақтда унча-мунча картошкани чўнтагига солиб кетадиган назари паст кишилар йўқ. Нега? Чунки бизда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ҳаммани ҳалол, виждонан ишлашга, юқори ҳосил олишга рағбатлантиради. Масалан, бу йил колхозимиз бўйича планга мувофиқ 323 гектар ерга картошка экиб, ҳар гектар ердан планга мувофиқ 12 тоннадан ҳосил олиниши керак эди. Колхозчиларимиз КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг сабзавот ва картошка маҳсулотларини қўпайтириш тўғрисидаги Мурожаатига жавобан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 12 тонна ўрнига 17 тоннадан, пландаги 3876 тонна ўрнига 5491 тонна картошка етиштириш мажбуриятини олдилар. Бу ишдан фақат колхозгина эмас, колхозчилар ҳам моддий жиҳатдан катта манфаатдорлар. Чунки планда белгилангандан ортиқча етиштирилган ҳосилнинг 70 проценти звено аъзоларининг ўзларига тақсимлаб берилади.

Масалан, ўтган йили колхозчилардан ака-ука Ғани ва Шавкат Иноятовлар звенода пландан ортиқча етиштирилган ҳосилдан мукофот тариқасида 3700 килограмм картошка олдилар, колхозчи аёллардан Азиза Ашурованинг бир ўзи 1800 килограмм картошка олди. Демак, ҳалол ишлаб машина-машина картошка олаётган колхозчилар орасида қинғир қўлли, пасткаш кишиларнинг бўлиши мумкинми? Албатта йўқ.

ТЕМИР ИНТИЗОМ

Ҳамма ғалабанинг гарови меҳнат интизоми. Интизомсиз ишда дуруст натижага эришиб бўлмайди. Интизом бўлмаса агротехника тадбирлари ҳам ўз вақтида амалга ошмай қолади ва кўпчиликнинг манфаатига путур етади. Шунинг учун колхозимизда бир томондан одамлар ўртасида моддий рағбатлантириш тадбирлари амалга оширилаётган бўлса, иккинчи томондан баъзи интизомсизларга қарши чоралар ҳам қўрилади.

Далага чиқиб ишловчи кишилар ҳеч маҳал бир хилда меҳнат қилолмайди. Бир нормани ошириб бажарса, иккин-



Суратда: 5-бригада сувчиси ўртоқ Нўлдош Мухамедов картошкани суғормоқда.

А. Абалая Фотолари.

чис нормага етолмайди. Баъзи кишилар ишга ўз майлича чиқмайди. Баъзилари кеч келади. Бундай ҳолга бефарқ қараш мумкин эмас. Шунинг учун колхозимизнинг умумий мажлисида интизомсизларга қарши маъмурий чоралар белгилаб қўйилган. Биз бригада ва звено бошлиқлари шу қарорга мувофиқ белгиланган тадбирларни қатъийлик билан амалга оширамиз.

Масалан, бизда эртаб ишга чиқиш вақти ҳозир соат 7 га белгиланган. Агар бу тартибни бузиб, бир соат ишга кечикиб келган кишининг 0,15 сотих меҳнат кунини қирқиб ташланади. Борди-ю, бошқа биров соат 7 да эмас, 6 да ишга чиқса, унга 0,15 сотих меҳнат кунини қўшиб ёзилиб, рағбатлантирилади.

Интизомнинг бу тадбирлари илғор колхозчиларни рағбатлантиришга, дангасаларга зарба беришга қаратилган. Баъзи кишилар оз вақт ичида кўп иш қилишга қодир. Шундай кишилар мен ишга кеч қиқсам ҳам бўлаверади, барибир нормани ошириб бажараман-ку, деб ўйлашлари мумкин. Шу хилдаги кишиларни ишга кеч келишлари учун йўл қўйиш мумкинми? Йўқ, йўл қўйиб бўлмайди. Бу ҳол умумий тартибнинг бузилишига олиб келади. Биз одамларга кучи кўп кишилар кўпроқ ишлаб, кўпроқ ҳақини олаверсин, лекин кучим кўп деб

интизомни бузмасин, деймиз. Интизом ҳамма учун барабар. Кучлилар учун ҳам, кучсизлар учун ҳам, раҳбарлар учун ҳам, оқлий кишилар учун ҳам бир хил. Ҳамма шунга бўйсунини шарт. Икки хил интизом бўлиши мумкин эмас.

КАРТОШКАНИ ЭРТА ЕТИШТИРИШ МУМКИНМИ?

Баҳорда қиш учун ғамланган картошка камайиб, нархи ҳам кўтарилиб қолади. Шаҳар аҳолисининг картошкага бўлган талаби кучаяди. Эртаги картошка пишиб етилгунча орада анча вақт бор. Бу муаммони ҳал қилиш мумкинми?

Мумкин. Шаҳар меҳнаткашларига барвақт янги картошка етиштириб бериш чораларини кўрса бўлади. Масалан, колхозимизда икки йилдан бери Сидов номи эртапишар картошка экилабошлади. Яхши парварини қилинса, агротехника қондалари кам-кўстиз амалга оширилса бу картошкадан юқори ҳосил олиш мумкин. Жумладан ўтган йили бир гектар ерга (Далабой Хайдаров бошлиқ бригадада) экилган Сидов номи картошкадан 28 тонна ҳосил олинди. Бошқа жойларга экилган шу нав картошкадан олинган ҳосил ҳам юқори бўлди.

Бу нав картошка ҳосилдорлик жиҳатидан, эртапишарлиги жиҳатидан жуда яхши. Биз бир неча йиллардан бери етиштираётган Вальтман — қайчибарт

картошка экилганидан кейин 110-120 кунда пишади. Ваҳоланки, Сидов нави картошка экилганидан кейин 60-70 кунда пишади. Демак бу хилдаги картошка кўплаб экилса, май ойининг охирида шаҳар аҳолисини мўл-кўл эртаги картошка етказиб берса бўлади. Бу жуда яхши ва маъқул тадбир бўлади.

Колхозимизда бу йил Сидов нави картошкадан биз 17 гектарга эдик. Бу нави картошка ҳали кўп тарқалмаган. Фақат Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги баъзи колхозлардагина экиляпти. Ҳали кўп хўжаликлар бу нав картошка борлигини яхши билмайдилар. Бизнингча бу хилдаги картошка экинни кўпроқ планлаштириш ва жорий қилиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш пайти келди.

Санаб ўтилган фактлардан кўриниб турибдики, картошкадан мўл ҳосил етиштириш фақат агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга оширишдангина иборат эмас. Балки шу билан бирга меҳнатга ҳақ тўлашни тўғри жорий қилишдан, ҳосилдорликни оширганликларини учун колхозчиларни моддий рағбатлантиришдан, одамларга ғамхўрлик қилишдан, далада ишловчиларга қўлай маиший шароит яратиб беришдан, меҳнат интизоми мустақамлашдан ва ниҳоят интизомни жорий қилиш учун дадил қадам қўйишдан иборатдир.

Биз мана шунинг учун фидокорона меҳнат қиляпмиз. Сабзавотчилар шуҳратини ошириш учун курашяпмиз.

Имомиддин МУНИРОВ — Калинин пиллаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номи колхоз агрономи, Коробой МЎМИНОВ, Далабой ХАЙДАРОВ — бригада бошлиқлари. Ўлмас КОМИЛОВ, Соат СУЛТОНОВ, Турсун ТЎХТАЕВ, — звено бошлиқлари.

ШОЙИ—АТЛАС ОНАСИ

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Шу кунларда қайси колхоз қишлоғига борманг, у ерда пилла тайёрлаш пиланини ортиги билан адо этган хўжаликлар, пилладан мўл ҳосил олган бригадалар, звенолар иши ҳақида хушхабар эшитасиз. Ҳа, бу йил илғор пиллачилар сафига янги-янги машғаллар қўшилиди. Улар янги кўрсаткичлар билан майдонга чиқмоқда.

Бир қўти уругдан 130 килограмм юқори нави пилла бериш — бу рекорд эмасми ахир. Эрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасида қарашли «Ленин» колхозининг моҳир пиллачиси Тўти опа Абдурахмонова худди шу рекордчилардан бири ҳисобланади. Тўти опанинг ҳамшироқлари Кўмраҳон Шодиева, Каромат Жураевлар ҳам бир қўти уругдан 115-120 килограммдан пилла олишган. Газетхон Ш. Холмиразов бу моҳир пиллачиларнинг муваффақияти ҳақида қувонч билан хушхабар йўллаган.

Бошқа бир мактубини ўқиб, Тўти опадан ҳам ўзиб кетган чевар пиллачи Патилла Қурбонова билан танишасиз. У ҳар қўти уругдан 133 килограммдан пилла олибди. Хаваскор муҳбиримиз М. Мирзаев Бекободадаги Ленин номи колхоз аъзолари Патилла ва унинг сафдошлари Бахринос Исроилов, Каромат Холмиразова, Сидиғали Мирзаев, София Худойназарова, Оққиз Гулмухамедова каби моҳир пиллачиларнинг меҳнат ютуқлари, ҳар қўти уругдан 114 дан тортиб 130 килограммгача етказиб пилла олишганини ҳақида фахрланиб ёзди. Шунингдек рай-

ондаги Навоий номи колхознинг моҳир пиллачилари тўғрисида газетхонлардан Д. Қурбониев, Ҳ. Отакулов ўртоқлар эзиб юборишган.

Фарида Нигматиллаева Янгйўлдаги Калинин номи колхоз аъзоси, — деб ёзди газетхон Х. Туробов, — у ипак қўртини жадал усулда парварини қилиб беришчилар қатори пилла тайёрлаш пиланини бажарди. Яна бир қўти уругдан 119 килограмм «оқ тилла» топириб янги рекорд қўйди.

Шу бошқармадаги «Ленинград» колхозидан хат юборган Тўйчи Имомов ҳам бу колхознинг Буви-солиха Қосимова сингари илғор пиллачиларнинг меҳнат муваффақиятларини ҳақида ҳикоя қилди. Оққўрғонлик Р. Имомназаров, қибрайлик Т. Рузметов, ўртачирчилик Т. Жуманов, Ш. Холмухамедов, Т. Хўшназаров, М. Каримов, юқоричирчилик Т. Сулаймонов, Калининдан А. Қоробоев, М. Хасанов, Ф. Ғофуров, Р. Файзуллаев, Б. Эргашев, Г. Махмубов, бекободлик С. Тўлаев, А. Эгамкуллов, Ғ. Абдуллаев ўртоқлар пилла тайёрлаш пиланини муддатидан илгари бажариб қўйишга пилла топириганлар тўғрисида ёзишди. «Оҳан» бригадани пилла қабул қилиш пункти бу йил янги пилла ҳосилини қабул қилишга яхши тайёрлаб қўйган эди. Ҳа, деб ёзди газетхон Карим Ерсов, бу мавсумда пункт 53 тонна пилла қабул қилишни планлаштирган эди. Азамат пиллачиларнинг ғайрати тўғрисида бу план ортиги билан бажарилди».

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„МАЖРУҲ СТАНОКЛАР“

Шундай сарлавҳа билан газета-мизнинг 24 март сониде босилган мақолада Тошкент булка ва кондитер маҳсулотлари комбинатига қарашли 3-корхонада ишлаб чиқариш механизациялашга етарли эътибор берилмаётганлиги танқид қилинган эди.

Комбинат директори ўртоқ А. А. Рустамовнинг редакцияга хабар қилишича, мақола корхонанинг кенгайтирилган ишлаб чиқариш мажлисида муҳокама қилинган ва танқидий фикрлар тўғри деб топилган.

Корхонада ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш, технологияни такомиллаштириш ва ишчиларнинг иш шароитларини яхшилаш, шу билан бирга теши-

кулча ишлаб чиқаришни комплекс механизациялашга қаратилган амалий тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, тешикулча ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш учун 4 та универсал станок ўрнатилиш планлаштирилган. Шундан иккитаси май ойида ўрнатилиб ишга туширилган. Ишлаб чиқаришни янги машиналар билан таъминлаш учун Москва ва Барск шаҳарларидаги машинасозлик заводлари билан шартнома тузилган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

3-БЕТ, 11 ИЮНЬ, 1963 ЙИЛ.



Бу суратни ҳаваскор фото-мухбир Ш. Исронов Тошкентнинг гулларга бурканган Ҳамза кучасида олган.

Ахшнинг Шарофати

Оқжигитнинг Оққўнгиллиги

Юқори Чирчиқ районидagi Янгибозор алоқа бўлими жуда гажжум. Кассир Шура Арешинанинг қўли-қўлига тегмайди. Қўбболали оналар учун бериладиган нафақани олиб кетгани келган кишилар касса олдида наваб кутуб туришибди. Улар орасида Оқовул қишлоқ Советининг секретари Оқжигит Тилолов ҳам бор.

Кассир Арешинанинг пешонаси ва кўз қовоқлари остида маржон тер кўринади. Оқжигит Тилолов гали келгач, кассир узатган бир даста пулни тез-тез санаб олди-ю, шопиб қишлоққа жўнади.

Колхозга келиб, пулларины эгаларига тарқатиб бўлгач, ҳайрон қолди. Стол устида роппароса яна 1000 сўм пул ётарди. Қизик...

Оқжигит кивитанчиларни қайта-қайта санаб чиқди. Тўғри. «Ким пул олмади экан ё янгилишимми?» ҳаёлидан ўтказди-ю. Лекин қайта текшириш бунга тасдиқламади. Шунда у кассирнинг янгилиб, ошмакча пул бериб юборганини сезди. Иккиланмай ортиқча чиққан пулни дарҳол алоқа бўлимига — Шура Арешинига элтди бери. Арешина софидил секретарь йигитга чуқур ташаккур ва миннатдорчилик билдирди.

Б. САНОБАР.

МАҲАЛЛАДА ШЕЪРХОНЛИК КЕЧАСИ

Яқинда Октябрь рай. оидига «Социализм» маҳалласининг клубига Социализм ва Ўзган маҳалла аҳолисида 300 га яқин киши поэзия кечасига тўпланди.

Кечада шонлирдан Миртемир, Шухрат, Куддус Мухаммадий, Николас Луйков, Азиз Абдуллаев ва бошқалар ўз шеърларидан ўқиб бердилар.

Кеча охирида 1- ва 41-мактабларнинг бадиий ҳаваскорлари катта нонцерт кўйиб бердилар.

Ш. ЗУХРИДДИНОВ.

ПОЗНАНЬ ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

ПОЗНАНЬ. 9 июнь. (ТАСС). Буғун бу ерда 32-Познань ярмаркаси очилди. Ярмаркада жаҳондаги 60 мамлакат иштирок этмоқда.

Ярмарканинг тантанали очилиш маросимида Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Владислав Гомулка, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Юзеф Циранкевич, бир қанча мамлакатларнинг ҳукумат делегациялари, дипломатлар, чет эллардаги йирик фирма ва концернларнинг вакиллари ҳозир бўлишди. Совет делегациясига СССР Министрлар Совети Президиуми ташқи иқтисодий масалалар комиссиясининг

КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛАДИ

БЕРЛИН. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ва Германия Демократик Республикасининг Министрлар Совети Германия Бирлашган социалистик партияси VI съездининг қарорларини бажариш юзасидан 24—25 июнда Берлинда иқтисодий конференция чақиришга қарор қилишди.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат кенгаши раиси В. Ульбрихт планлаштиришнинг иқтисодий системасини амалга ошириш ва халқ ҳўжалигига раҳбарлик қилиш тўғрисида доклад қилди.

Конференцияда партия ва давлат аппаратидаги раҳбар арбоблари, халқ корхоналарининг директорлари, ишлаб чиқариш партия ташкилотларининг секретарлари, қасаба союзу ва ошмакчи ташкилотларининг вакиллари қатнашадилар.

Австриянинг олий ўқув юрталари профессор ўқитувчи кадрларга муҳтож. Студентларнинг нормал билим олишлари учун аудиториялар етishмайди. Студентлар бу аҳволни яхшилаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Улар ўтказган намоийишлар полициянинг қаршилтига дуч келди. Сиз суратда забастовка қилаётган веналик студентлари кўриб туришсиз.

Вотавато-ТАСС фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»

4-БЕТ, 11 ИЮНЬ, 1963 ИЛ.

БЕМИННАТ

— 75 ёшлик Хошимжон ота Диёрлов — таништириб ошмакчи мудир, врач Акрам Маннонхўжаев. 2-группа меҳнат инвалиди бўлган бу табаррук одам хонадонининг кенса аъзоларидан экан.

Ота кўп йиллаб давлат корхоналарида меҳнат қилган. Оилали, уйли-жойли бўлган. Лекин қариган чоғда фарзандлар роҳатини кўриш насиб бўлмади унга. Урушининг совуқ қўли ота бағридан ўгилларини юлиб кетди. Аммо давлатимизнинг бугунги ғамхўрлиги ота белига қувват бағишламоқда. Ҳозир у, бу ерда ўз уйидек яйраб, бардам ҳаёт кечирмоқда.

— Ёнингиздаги кرواتда ким ётади? — сўрадик Хошимжон отадан.

— Бу Машарифники, ҳозир у устакхонада ишлаяпти.

Ҳайрон бўлдик. Инвалид одам қандай қилиб устакхонада ишласини?

Устакхонага кираверишда шип билан ўпишиб турган картон қутчалар таҳмига дуч келасиз. Устакхонанинг биринчи хонасида 2-группа меҳнат инвалиди А. Зуев картонларни қутчалар ҳажмига мослаб кесиш билан банд. А. Григорьев эса уларни тахлаб иккинчи хонага чиқарапти. Бу ерда ўтир-

ган ўнга яқин киши картонларни бир-бирига ёпиштириб тайёр маҳсулотни қўлдан ўтказмоқда.

— Юрагида ўти бор кишиларни тинч олиб ўтириш қийин бўлар экан. — дейди устакхона мудир Эргаш Усмонов. — Қўпчилик инвалидлар «тез бориш иш билан таъминла» деб бизни ўз ҳолимига қўйишмагач, шу устакхонани ташкил қилдик. Ҳозир 1,2-пояфазал фабрикалари, аптекалар бош бошқармаси ҳар хил заказлар бериб туришади. Биз уларга оёқ-ийимларни, медикаментлар учун ойига 30 минг тага яқин картон қутчалар, қороз пакетлар тайёрлаб берамиз. М. Абдураҳмонов, А. Абдусаматов, К. Қўриев каби ўртоқлар 2-группа инвалидлари бўлишларига қарамай, ҳар кун 200—250 донадан қутча тайёрлаб, давлатга оз бўлса ҳам ерданларини бериб турибдилар.

Ховлига чиқдик. Булутлар орасидан чиқаётган қуёш баданни қиздиримоқда.

— Бундан бўён бу ердаги инвалидлар сонни қамал бошлайди, — деди А. Маннонхўжаев.

— Нера, жой торлик қилаяптими?

— Йўқ, жойимиз етарли, давлат бизга йил сайин кўпроқ

РЕКЛАМА ВА ЭҶЛОМЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

11 ИЮНДА
БИРИНЧИ ПРОГРАММА
Рус тилида: 18.00 — Кун қалпоңча (болалар учун кинофильм), 18.30 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Н. П. Чепраков («Совет санъати усталари» циклидан), 19.00 — Телевизион анимациялари, 19.20 — Фан ва техника киножурнали, 19.30 — Бу — коммунистчасига (хўжалик фильми), 19.50 — Н. К. Крупская (хўжалик фильми), 20.10 — Россия қизлари (хўжалик фильми).

Ўзбек тилида: 21.10 — Халқаро масалалар, 21.25 — Телевизион анимациялари, 21.45 — Сурхондарё области далаларида (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22.00 — Ёрқин ҳаёт телевидение журнали (Ўзбекистон хотин-қизлари III съездида бағишланган махсус сессия).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
Ўзбек тилида: 20.35 — Ўқув-ғизни биласизми? мактаб ўқувчилари учун), 20.50 — Фан оламида.

Рус тилида: 21.10 — Ётти йилликнинг илгор ёшлари, 21.35 — Жуғлиш ўт ичиде номли кинопо-веств.

Ж. НОСИРОВ
«Тошкент ҳақиқати»нинг штабсиз муҳбири.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/VI Шопениана ва балетлардан парчалар.

КИНО

ҚИШКИ ВИНОВА
Соф винлом — «БАТАН», НАВОИЙ НОМЛИ, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечкурун).

Қирқиб олине ва 25 июндан кечикмай Сизга газета элтиб берадиган почтадон еки алоқа бўлимига топириш.

ЗАЯВКА

1 июндан бошлаб «Тошкент ҳақиқати» газетаси вақти вақтида олмашинадиган саҳифалар билан чиқиши муносабати билан мента газетанинг қишлоқ хўжалиги учун чиқариладиган сонини (номерагини ўқирини) юборишингизни сўрайман.

Мен _____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

адресим _____

Квитанция _____ (серияси, номери)

Имзо _____

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҶЛАЙДИЛАР

1963 йил 20 июнь ertasлаб соат 11 да, В. И. Ленин номили Тошкент давлат университетининг Филология факультетининг илмий совети мажлисида (Навоий кўчаси, 38-уй, акт зали)

И. Х. Майорова
филология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: Л. Н. Толстойнинг 80 йиллардаги голий «бурилиши» ва прозасининг хусусиятлари» деган темада.

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин. (Қўйишвеч кўчи, 10-уй).

ТОШКЕНТ ШАҶАР ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИГА

8, 9, 10, 11-синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилардан озин-овнат товарларни сотувчилари КЕРАК

Озин-овнат сотувчилари тайёрлайдиган

2 ойлик курсга қабул қилинади

Курсга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланади. Ўйтув кўчаси, Ҳақиқат преед. 62-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Калинин район, Байтўғрон қишлоқ советидаги «Правда» колхозида турувчи Саноат Жураевнинг Азизбой Рузбовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент об. ласт судида қўрилади.

Тошкент шаҳар, Ново-Московск кўчаси, 21-уй, 53-квартирда турувчи, Анна Павловна Михайлованинг Чирчиқ шаҳар, Профсоюз кўчаси, 11-уй, 8-квартирда турувчи Иван Михайлович Михайловдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар Киров район халқ судида қўрилади.

Тошкент шаҳар, Қорақалпоқ кўчаси, 7-уйда турувчи Ирки Ўйлованинг Шерозавровнинг Ленинград шаҳар, Лебедев кўчаси, 6-уй, 9-квартирда турувчи Алвтина Андреевна Шерозавровдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар Киров район халқ судида қўрилади.

Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси, 4-периулоқ, 4-уйда турувчи Ботир Собитович Саидовнинг Ки. эл Ўзбекистон кўчаси, 2-уйда турувчи Саноат Махсумовни Саидовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар Киров район халқ судида қўрилади.

Калинин районидида Ленинград колхозида турувчи Тўхта Орипованинг Марат Мирсатович Ориповдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент об. ласт судида қўрилади.

СССР Медицина фанлари академиясининг ўлка экспериментал медицина институти ходимлари шарқ медицинаси бўлимининг мудир Х. Р. Расулсвга рафикаси

РИСКИЯ РАСУЛОВНИНГ
вфот атгандили муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Тошкент ҳақиқати» («ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Оран Тошкентских промышленного и сельского областного комитетов КП Узбекистана, Тошкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областного и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНИЛАРИ: Редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Секретариат — 34808. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропганда ва совет кўрилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, санъат, транспорт ва маҳаллий ахборот бўлими — 33785. Хатлар бўлими — 34048. Илгор тажрибаларни пропганда қилиш штабсиз бўлими — 31.936. Ўзлонлар бўлими — 28142. Коммутиатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қишга Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётчинос босмахонаси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Р. 06435. ИНДЕКС 64895. А. 1612.

ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА

Газета саҳифаларида Тошкент областининг сановат ва кишлоқ хўжалиги ишларига оид масалаларни тўлиқроқ еритиш мақсидида «Тошкент ҳақиқати» газетаси 1 июндан бошлаб ҳафтада икки марта алмашинадиган саҳифалар билан чиқади. Тиражнинг бир қисмида (сановат учун чиқариладигани) газетанинг иккинчи саҳифасида Ўзбекистон КП Тошкент сановат бўлимига комитетига қарашли бўлган сановат, қўрилиш, транспорт партия ташкилотларининг ишлари ҳақидаги материаллар босилади. Тиражнинг бошқа қисмида (қишлоқ хўжалиги учун чиқариладигани) худди шу саҳифада газетхон Ўзбекистон КП Тошкент кишлоқ об. ласт комитетига қарашли бўлган партия ташкилотларининг фаолиятлари ҳақидаги об. ласт кишлоқ хўжалигига оид материалларни ўқийди.

Июлнинг биринчи кунларидан ҳар бир газетхон ўзини кўпроқ қизитириган материал босилган газета сонини олиш имониятига эга бўлсин учун 25 июндан кечинмасдан заявкани тўлдиршларини омуначилардан сўраймиз. Заявка «Тошкент ҳақиқати» газетасининг бугунги сониде шу бетда босилайтир. Заявкани газетани Сизга элтиб берадиган почтадон еки алоқа бўлимига топиришингиз керак.

«Тошкент ҳақиқатининг» ҳам сановат, ҳам қишлоқ хўжалик тема, сидаги материаллар босилган сонини олишни истоган ташкилот ва муассасалар қўшимча оубуни расмийлаштиришлари мумкин. Оубу на завод, фабрика, муассаса, совхоз ва колхозларда жамоатчи мабуот таркатувчилар томонидан ва алоқа бўлимида чекланмаган ҳолда қабул қилинади.

Оубуна баҳоси асвалгича.

«ПАХТАКОР» ҲОЗИР ЭНГ КЎП ТЎП

«Пахтакор» ҳозир энг кўп тўп ўтказган (27 та), энг кўп мағлубията учраган (10 та), энг орақда қолган (20-ўрин) коллектив бўлиб турипти. Наҳотки бундай «рекордлар» «Пахтакор» тренерларини ташвишлантормаса?

13-турда Москва динамочилари «Қайратни» 2:0 ҳисобида ютиб ягона пешкадам бўлиб олдилар. Динамочиларнинг «темир қўроғи» мавсум бошидан бўён бор-йўти 2 тагина тўп киритилди, холос. Энг кўп гол урган тобиликлилар бу турда тўп киритолмади.

лар. Уларнинг ЦСКА билан учрашуви 0:0 ҳисобида тугади. Шу ҳисоб «Торпедо» (Кутаиси) — «Динамо» (Ленинград), «Нефтяник» — «Торпедо» (Москва), «Авангард» — «Шахтёр» учрашувларида ҳам қайди қилинди. «Арабат» Ростов-Донда маҳаллий армиячилар дарвозасига битта гол уюб. 2 очко олди. Қўйишвеч футболчилари ўз майдонида экс-чемпион — Киев динамочилари 3:1 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. «Локомотив» ҳам чемпион шў ҳисобада юти. «Зенит» Минск футболчиларини қабул қилиб, галдаги галабани қўдага киритди. Ҳисоб 2-0.

ПОРТУГАЛИЯ ҚАМОҚҚА АЙЛАНМОҚДА

ПАРИЖ. (ТАСС). Португалиянинг ҳамма вилоятларида қамончи олинди. Дийлади Рабийро Европа мамлакатларининг Португалия сиёсий маҳбуслари ва сургун қилинганларга амнистия бериш учун курашга бағишланган конференциянинг чақириш ташаббуси комитетининг ахборотида. Бутун мамлакатда энди қўриладиган ҳаркатлар қилинмоқда. Масала, яқинда, Лиссабонда «Тиволи» кинотеатрида фильм кўрсатилиб турган пайтда сиёсий полиция аалга бостириб кириб, ҳамма томошабинларни тивтув қилишга ва уларнинг ҳужжатларини текширишга киришди.

Лиссабонда молия министрининг, унинг юқори мансабдаги чийовини Эрнесто Касто Гомес қамонқа олинди. Пойтахтда ва унинг атрофлари-

СОВЕТ МЕТОДЛАРИ Я Х Ш И

КАРАЧИ. (ТАСС). Ерининг ботқоқланиши ва шўрланишига қарши курашининг совет методлари америкаликларнинг методларига нисбатан кўпроқ самарали ва арзонқудир, деб ёзади «Доон» газетаси. Газета ерининг ботқоқланишига ва шўрланишига қарши курашининг СССРда, жумладан, Ўзбекистонда муваффақиятл равишда қўлланилаётган методларини ўтганини мақсидида Покистон мутахассислари делегациясининг Совет Иттифоқига қилган сафари ҳақида хабар бериб, меллорациянинг конкрет планларини ишлаб чиқиш учун бир группа совет экспертларини Покистонга чақиришни тавсия қилади.

ТЕЛЕГРАФ ЛЕНТАЛАРИДА

▲ Данияда ўтказилган совет кинофильми ҳафталига «Аланта» йиллар» кинофильми диққат марказида бўлди. Ҳафталик тамом бўлганидан кейин Дания пойтахтида энг катта кинотеатрлардан бири хисобланган «Аланта»да бу кинофильм яна кўрсатила бошлади. Фильм даниялик томошабинлар орасида эфр муваффақият қозонмоқда.

▲ Хукуматнинг қарорига мувофиқ, Бирма давлат телеграф агентлиги—НАБ ташкил этилди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

РЕДАКТОР М. ҚОРИЕВ.

Р. 06435. ИНДЕКС 64895. А. 1612.